

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

«Давлат кадастрлари» кафедраси

“Ер ресурсларини бошқариш” фани



ЕР РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ



Маърузачи: PhD. доц. Ш.Нарбаев

Тошкент - 2018

Ўқув машғулотида таълим технологияси модели

Мавзу: Ер ресурсларини бошқариш механизмлари

<i>Вақт: 2 соат</i>	<i>Талабалар сони: 104 нафар</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли ва тури</i>	Маъруза (ахборотли/муаммоли)
<i>Маъруза режаси тузилиши</i>	1. Ер ресурсларини бошқаришда механизм тушунчаси. 2. Ер ресурсларини бошқаришнинг умумий механизмлари. 3. Ер ресурсларини бошқариш механизмлари.
<i>Ўқув машғулоти мақсади:</i>	Талабаларда билим ва кўникмаларни шакллантириш
<i>Педагогик вазифалар:</i> Ер ресурсларини бошқариш механизми билан таништириш ва тушунтириш; Механизм таснифини бериш; ЕРБ механизми ва функциясини тушунтириш; ЕРБ механизмларининг моҳиятини очиб бериш ва ўргатиш.	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i> Ер фонди тўғрисида умумий маълумотларни кўрсатадилар; ЕРБнинг умумий механизмларини таснифлайдилар; ЕРБ механизмлари ва функцияларини айтиб берадилар; ЕРБ механизмлари моҳиятини ва ишлаш тартибini тизимли равишда очиб берадилар.
<i>Таълим усуллари</i>	Маъруза, инсерт, ақлий ҳужум.
<i>Таълим шакли</i>	Жамоавий
<i>Таълим воситалари</i>	Ўқув қўлланма, маъруза матни, тақдимот, техника воситалари.
<i>Таълим бериш шароити</i>	Махсус техника воситалари билан жиҳозланган, маъруза ўтишга мўлжалланган хона
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки сўров, тезкор-сўров ва бошқ.

Ўқув машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият	
	таълим берувчи	таълим олувчилар
1-босқич. Ўқув машғулотиغا кириш (10 дақиқа)	<p>1.1. Талабалар давоматини аниқлаш.</p> <p>1.2. Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказиш. Машғулот режаси билан таништирилади.</p> <p>1.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларни; мустақил ишлаш учун адабиётлар рўйхатини таништирилади.</p>	<p>Тинглайдилар, ёзиб оладилар.</p> <p>Аниқлаштирадилар, саволлар берадилар.</p>
2-босқич. Асосий (60 дақиқа)	<p>2.1. Тезкор-сўров (савол-жавоб) ақлий хужум орқали билимларни фаоллаштирилади.</p> <p>2.2. Машғулотнинг режаси ва тузилишига мувофиқ таълим жараёнини ташкил этиш бўйича маъруза ва изоҳлар баён эталади.</p>	<p>Жавоб берадилар</p> <p>Ёзадилар.</p>
3-босқич. Яқуний (10 дақиқа)	<p>3.1. Мавзу бўйича яқунланади, ўрганилган мавзунинг касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига талабалар эътибори қаратилади.</p> <p>3.2. Ўрганилган мавзу бўйича талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб берилади.</p> <p>3.3. Мустақил иш учун топшириқ берилади ва унинг баҳолаш мезонларини етказилади.</p>	<p>Ўз-ўзини, ўзаро баҳолашни ўтказадилар.</p> <p>Савол берадилар.</p> <p>Топшириқни ёзадилар</p>


Мавзу: Ер ресурсларини бошқариш механизмлари

Режа:

1. Ер ресурсларини бошқаришда механизм тушунчаси.
2. Ер ресурсларини бошқаришнинг умумий механизмлари.
3. Ер ресурсларини бошқариш механизмлари.



МЕХАНИЗМ НИМА?



Механизм - деб, бир ёки бир нечта жисмларни ҳаракатини бошқа жисмларни талаб этилган ҳаракатига айлантирувчи сунъий жисмлар тизимига айтлади.

Абдуллаев А. Механизм ва машиналар назарияси. Қарши-2004/

Механизм (грекча μηχανή – ускуна, қурилма) – машинанинг ички тузилишини ҳаракатга келтирувчи асбоб-ускуна, қурилма. Механизм энергияни ҳаракатга йўналтиришга ва қайта энергия ҳосил қилишга хизмат қилади (масалан: редуктор, насос, электродвигатель ва ҳ.).

<https://ru.wikipedia.org>


Механизм — қандайдир фаолият турини амалга ошириш тартибини белгиловчи тизим ёки жараён дидир. Масалан: давлат механизми, қонунни ижро этиш механизми, бошқариш механизми. ^[2]

[Викисловарь: Переносное значение.](#) — 2004

- ▶ Ўзбекистонда ер ресурсларини бошқариш, давлат ер фондидан оқилона фойдаланишни таъминлаш ва ташкиллаштириш махсус ваколатга эга бўлган давлат органлари томонидан амалга оширилади.
- ▶ Ердан фойдаланишни бошқариш соҳаси ҳуқуқий жиҳатдан ер фондини бошқариш бўйича умумий бошқариш ваколатига эга ва ижро этувчи давлат органларига ажралади.
- ▶ Умумий бошқариш органлари биринчи навбатда давлат ҳукуматининг олий органларидир.
- ▶ Ижро этувчи органлар Ўзбекистон ҳудуди чегарасида ва маъмурий-ҳудудий бирликларда тегишли ердан фойдаланувчи идоралар бўлиб, улар ерлардан қандай мақсадларда фойдаланишидан қатъий назар ер ресурсларини бошқариш бўйича махсус ҳуқуқларига эгадир.
- ▶ Ер ресурсларини бошқариш тизими умумий ва махсус ваколатга эга бўлган давлат органлари томонидан бошқарув фаолиятини юритиш механизмлари ёрдамида амалга оширилади.

Ер ресурсларини бошқариш объекти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING МАЪМУРИЙ – ХУДУДИЙ БУЛИНИШИ




Умумий фойдаланишдаги
ер майдони 44896,4 минг га


Ўзбекистон Республикасидаги жами фойдаланиладиган ерлар майдони

Т/р	Республика, шаҳар ва вилоятларнинг номи	Умумий ер майдони		Экин ерлар	
		жами	шу жумладан суғориладигани	жами	шу жумладан суғориладигани
1	Қорақалпоғистон Республикаси	16656,1	509,5	418,1	418,1
2	Андижон	430,3	273,7	203	203
3	Бухоро	4193,7	275,0	200,8	200,8
4	Жиззах	2117,9	300,6	482,0	261,4
5	Қашқадарё	2856,8	515,4	679,2	420,5
6	Навоий	10937,5	123,5	110,9	91,1
7	Наманган	718,1	282,1	193,1	193,1
8	Самарқанд	1677,3	380,3	435,0	251,9
9	Сурхондарё	2009,9	325,7	280,8	240,9
10	Сирдарё	427,6	287,5	249,8	249,8
11	Тошкент	1525,4	399,7	333,7	299,5
12	Фарғона	700,5	367,3	247,8	247,8
13	Хоразм	608,2	266,2	206,0	206,0
14	Тошкент ш.	33,1	4,9	0,4	0,4
	Жами:	44892,4	4308,1	4043,6	3288,2

Ёр ресурсларини бошқаришда ёр муносабатларини тартибга солиш, ёрлардан оқилона ва самарали фойдаланишни ташкил этиш, ёрларни муҳофаза қилиш жараёни қуйидаги умумий механизмлари ёрдамида амалга оширилади:



**ЕРБ
механизм-
лари**



Ер кадастрини юритиш

Ер мониторингини юритиш

Ер тузиш ишларини ташкил этиш

**Ердан фойдаланишни
режалаштириш ва прогнозлаш**


**Ер муносабатларини тартибга
солиш**

**Ерлардан фойдаланишни
назорат қилиш**

Ерларни муҳофаза қилиш

**Ердан фойдаланганлик учун ҳақ
тўлаш**

**Ердан самарали фойдаланишни
рағбатлантириш**



Ер кадастрини юритиш – Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 15-моддасига ҳамда “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонунга мувофиқ ташкил этилган тизим бўлиб, у ерларнинг ҳуқуқий ва хўжалик ҳолати, миқдори ва сифати, унумдорлик даражаси, қиймат баҳоси, ушбу ер фондининг ер тоифалари, ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва мулкдорлар ўртасидаги тақсимооти тўғрисидаги маълумотлар ва хужжатлар тизимидан иборатдир.

▶ **Ер мониторингини юритиш** – давлат миқёсида халқ хўжалик тармоқлари бўйича ерлардан фойдаланишда рўй берган жараёнларнинг ўзгаришини, ер ресурсларининг миқдори ва сифати ҳолатини узлуксиз кузатиш тизимини ташкил этиш ҳамда маълумотлар билан ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқариш жараёнини таъминлашга қаратилгандир.

▶ **Ер тузиш ишларини ташкил этиш** – Ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишга қаратилган асосий тадбирлардан бири бўлиб, у ер фондини халқ хўжалиги тармоқлари орасида тақсимлаш ва уларни ҳудудий ташкил этиш масалаларини ечишга қаратилган.

- ▶ **Ердан фойдаланишни режалаштириш ва прогнозлаш** – ер ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш, уларни муҳофаза қилишга асосланган ҳолда прогнозлаш масалаларини ўз ичига олади. Бу механизм ўз моҳиятига кўра ер ресурсларидан фойдаланишни бош чизмасини (схемасини) ва ер тузиш ишларини режелаштиришдан иборат бўлади.
- ▶ **Ер муносабатларини тартибга солиш** – бошқарувнинг ҳуқуқий асосларига суянган ҳолда ишлаб чиқариш муносабатлари таркибида ер муносабатларини тартибга солишга хизмат қилади. Бу механизмнинг асосий вазифаси ерлардан фойдаланишда қонунийликни таъминлашдан иборат.

▶ **Ерлардан фойдаланишни назорат қилиш** – давлат органлари томонидан ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг ер ресурсларидан самарали фойдаланишни бошқаришга оид фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан назорат қилишга қаратилган.

▶ **Ерларни муҳофаза қилиш** – ерлардан халқ хўжалиги тармоқларида ҳар хил мақсадларда фойдаланиш жараёнида ерларни муҳофаза қилиш, зарар етказилишининг олдини олиш, айниқса алоҳида аҳамиятга эга бўлган, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ҳимоя қилишдан иборат.

- ▶ **Ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш** – бу иқтисодий рағбатлантириш механизмларидан бири ҳар хил мақсадларда ердан фойдаланганлик учун ҳақ тўлашни ташкил этишдан иборат. Жумладан, ер учун тўланадиган ҳақ икки хил: ижара ва ер солиғи шаклида ундирилади.
- ▶ **Ердан самарали фойдаланишни рағбатлантириш** – ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг тупроқ унумдорлигини сақланиши, тикланишидан ерларни ишлаб чиқариш фаолиятининг салбий оқибатларидан ҳимоя этилишидан, ерлардан фойдаланишда экологик талабларнинг бажариш ва тежамкор технологияларни қўллашдан ҳамда оқилона ва самарали фойдаланишдан манфаатдорлигини оширишга қаратилган тадбирлар тизимидир.

Ер ресурсларини бошқаришнинг иқтисодий механизмлари

▶ Бозор муносабатлари қарор топиши шароитида ерларни давлат бошқарувининг мажмуали услубини энг қулай қўллаш ва бюджет даромадларини кўпайтиришни таъминловчи, ердан фойдаланишнинг энг самарали ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ шакли сифатида ерни ижарага беришнинг ривожланиши айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шу билан бирга ер муносабатларининг давлат бошқарувидаги ягона тартибини ўрнатиш, ер солиғи ва ижара ҳақи миқдорини усуллари ишлаб чиқиш, ер бозорининг ҳолатини аниқ акс эттирадиган минтақа иқтисодиётининг ҳолати ва ундаги жараёнларни бошқариш тизимида, ер ижара сиёсатида тадбирлар мажмуасини шакллантиришнинг бирламчилигини ҳисобга олиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Ер муносабатларини тартибга солишнинг услубий назариясини ишлаб чиқиш, ернинг олди-сотди шакллари ва услубини фаоллаштириш, ер участкаларини хусусийлаштириш жараёнларини, инвестицион, баҳолаш, суғурта фаолияти, ипотека, кредитлаштириш, ерга оид қимматбаҳо қоғозлар билан муомала ўтказишни рағбатлантириш зарур.

Талабалар билимини текшириш учун саволлар

- ▶ 1. Механизм деганда нимани тушунасиз?
- ▶ 2. Ер ресурсларини бошқаришнинг қандай умумий механизмлари бор?
- ▶ 3. ЕРБ механизмларини санаб беринг?
- ▶ 4. ЕРБда ахборот таъминоти қайси механизмлар ёрдамида амалга оширилади?
- ▶ 5. ЕРБ механизмларини амалга ошириш тизимини тавсифлаб беринг.
- ▶ 6. Ерлардан самарали фойдаланишни рағбатлантиришнинг қандай механизилари бор?

ТОПШИРИҚ

ИНСЕРТ ЖАДВАЛИ

График ташкил этувчи тури, аҳамияти ва хусусиятлари

Ўқув фаолиятини ташкил этиш жараёнининг таркибий тузилмаси

ИНСЕРТ ЖАДВАЛИ

-мустақил ўқиш, маъруза тинглаш жараёнида олинган маълумотларни бир тизимга келтиришга имконият яратади.
-Олдиндан олинган маълумотни янгиси билан ўзаро боғлаш қобилиятини шакллантиришга имкон беради.

Инсерт жадвали таркиби ва уни тўлдириш қондаси билан танишади. Шахсан уни расмийлаштиради.

Ўқиш вақтида олинган маълумот яқка тартибда тақсимланади: матнда белги қўйилган мос равишда жадвал устунларига “жойлаштирилади”:
V – “...” ҳақида олинган билим (маълумот)га мос келади;
-- “...” ҳақидаги билимга қарама-қарши;
+ – янги маълумот саналади;
? – тушунарсиз қўшимча маълумот.

ИНСЕРТ ЖАДВАЛИ

<i>V</i>	+	–	?

- V* – “...” ҳақида олинган билим (маълумот)га мос келади;
- “...” ҳақидаги билимга қарама-қарши;
- +
- янги маълумот саналади;
- ?
- тушунарсиз қўшимча маълумот.

THANK YOU FOR YOUR ATTENTION!



***М а ъ р у з а
т у г а д и.***



E-mail: narbaev_sh@mail.ru